


36-ХАЛҚАРО АНЖУМАН

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн 5-6 февраль кунлари Мюнхенда бўлиб ўтадиган хавфсизлик муаммолари бўйича 36-халқаро анжуманда иштирок этади. Пентагон расмий вакили Кеннет Бейконнинг таъкидлашича, анжуманда У.Коэн Европа мамлакатларини уларнинг НАТОдаги ўрнини кучайтириш ва АҚШ билан ҳарбий ҳамкорликни фойдалантиришга чақириш ниятида.



РОССИЯ МҮЛ ХОСИЛ ПАЙИДА

2000 йилда Россия 70-75 миллион тонна дон йиғиштириб олишни режалаштирмақда. Давлат Думасидаги агрономат гуруҳи мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди, хусусан, баҳорги экин компаниясини бошлаш ҳақида фикрлар алмашилди.

КУРОЛ САВДОСИ ТАКИҚЛАНМОҚЧИ

Токиода ноқонуний равишда ўқотар курулларнинг тарқалиши ва савдоси муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда 30 мамлакат ва 4 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

РЕЗОЛЮЦИЯ БУЗИЛАЭТИР

Жанубий Африка Республикасининг собиқ Президенти Нелсон Манделанинг таъкидлашича, мамлакатдаги айрим компаниялар Анголанинг тўла мустақиллиги учун курашувчи Миллий иттифоқ (УНИТА) билан аввалгидек иқтисодий шартномалар тuzмоқда. Ушбу компаниялар ўз манфаати йўлида УНИТАга қарши иқтисодий жазони кўзда тутувчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясини бузмоқда. Бу эса Анголадаги фуқаролар урушининг қўзилишига сабаб бўлаётди.

ҚАШШОҚЛИК ТУГАТИЛЯПТИ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати жорий йилда мамлакат қишлоқларида қашшоқликни тугатиш мақсадида кўшимча 1 миллиард юан (1 АҚШ доллари 8,27 юанга тенг) сарфлаш ниятида. Бундан аввалроқ ҳукумат 26 миллиард юан ажратганди.

БЕМОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Сянган соғлиқни сақлаш департаменти маълумотида кўра, ўтган йили бу ерда 213 кишида ОИТС вирусини борлиги аниқланган. Улардан 61 нафари ушбу касалликка йўлқўчган.

ЭДНОМА

Ўлим ҳам ҳар хил бўларкан. Биров касаллик азобидан, яна биров ушаламгаб орзулари армонидан, бошқаси гийбатдан, ҳасаддан...
Лекин аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом эса қувончдан, ҳаяжондан ўтди. Унинг юраги — бу дунёнинг минг турфа озору ранжини кўравериб анчайин ҳил-вираб қолган жони бу қувончни кўтаролмади, чоғи. Зотан, назаримда унинг умр мазмуни, интилишлари айнан мана шу қувончга етиш орзусида доимо талпинар эди. Узоқ йиллар Тошкент давлат университетиде ишлаган, кўлаб шоғирлар етиштириб тарбиялаган, ўз инсоний мактабини бунёд этган, боз устига шу даргоҳда таржима назарияси ва амалиёти кафедрасига асос солган олим учун бу илм максадида «Миллий университет» мақомининг берилиши таъбир жозиб бўлса, орзуларининг рўёби эди. Домла шу муносабат билан бўлаётган йилда қишлоқда гапиратиб, миллий университет деган олий мақомнинг ўрни, қиммати, аҳамияти, масъулияти ҳақида гапиратиб... оламдан ўтди.

НОМИГА МОНАНД АЛЛОМА ЭДИ



асарларининг «Эй умри азиз», «Эзгуликча чоғлан, одамзод» деб номланган бири-бирдан кўркам, маърифат ва маънавият, инсонийлик ва коммунал, иймон ва садоқат, ҳабиблик ва комронлик, саховат ва мурувват сингари олий одамона фазилатлар халқона тилда содда, лўнда, дангал, мукамма баён этилган икки жиллик китобини нашр этдик. Бу китоблар ҳозир олийгоҳлар, мактабларда дарслик ўрнида қўлланилапти.

Биз бир-биримизнинг сўхбатимиздан баҳра олардик, қувватландик. Чунки биз беаёв ҳаётда ҳам қисматдош эдик. Иккимиз ҳам сунъч тоғларимиз — жондан азиз ўғилларимиздан жудо бўлгандик. «От тепкисини от кўтарали», дейди халқимиз. Биз бир-биримизни тушунарлик. Биз бу йўқошнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмастлигини ҳам билардик, лекин синиб қолиш, қатордан чиқиб кетиш етук инсон учун тенгсиз йўқотиш эканлигини англадик. Барча дардларни, аламларни ишдан, меҳнатдан, инсонларга яхшилик қилишдан, меҳнатда, ижода маҳсул яратишдан олишти чоғланардик.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

2. ЕР НЕГА ҚИМИРЛАЙДИ?

Гап шундаки, бундан 200 миллион йил муқаддам Пангей дея номланувчи ернинг қаттиқ қобиғи улкан тектоник плиталарга ажралиб кетган. Шулардан энг йириклари Евросий, Тинч океани ва Африка плиталаридир. Турли кучлар таъсири остида плиталар доимо ҳаракатда бўлади ва йил давомида бу плиталар бир-бирига қараб бир неча сантиметр сурилади (харитага қаранг, унда бир йилда неча сантиметрга сурилиши ва унинг йўналиши кўрсатилган). Бу сурилиш натижасида плиталар тўқнашуви юз беради ва бунинг натижасида ернинг силкиниши дея эътироф этилади. Шунинг учун ҳам ернинг силкинишининг деярли 90 фоизи денгиз ва уммон тубларида содир бўлиши сабаб одамзотга унча сезилмайди. Бироқ шу нарса аниқланганки, бизнинг сайёрамизда йилга Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7га тенг бўлган ер қимирлаши ўртача 20 марта, 6 лиги 100 марта ва 5 лиги эса 3 минг мартага содир бўлади. Шунингдек, магнитудаси 3га тенг силкинишлар — 100 мингдан ортиб кетади, 1-2 лигли эса ҳар кун 8 мингга юз бериши қайд этилган. Агар тектоник қизилар қўзилаётган ўтса борми, Ер шарида нималар рўй беришини энди тасаввур қилиб олаверинг.

Албатта, ушбу юз йилликнинг табиий фалокатлар асри бўлиши тасодифий эмас. Сайёрамизда цивилизациянинг тезкор ривож — аҳолининг тез кўпайиши, улкан саноят иншоотлари, эстакадалар, АЭСлар, осмонулар турар-жой биноларининг мултиги талафотлар кўп бўлишида «муҳим» роль ўйнади. Туркияда «гугурт қут»дек уларнинг ёки Тайбейдаги осмонулар биноларнинг кўчилик кўз ўнгиде уқланиб тушишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Яхшиямки, Тайбейнинг урта атом электр станцияси ер қимирлашига бардош берди. Акс ҳолда иккинчи Чернобыль фожияси юз бериши ҳам ҳеч гап эмас эди.

давлатлар сейсмик ҳудудларда катта кучланишларга бардош бера оладиган қурилишлар меъёрларига мос лойиҳалар устида бош қотириб қолиши. Сабаби, инсоният талафотлари улкан ва беҳисоб эди. Биргина мисол: Спитак зилзиласи оқибатида ҳалок бўлганлар ва жароҳланганлар сони бир неча 10 минг ва бошпанасиз қолганлар 500 мингдан ортиб кетган. Спитак шаҳри ва унинг атрофлари, Ленинграднинг 80дан зиёд турар-жойлари ва саноят бинолари вайрон бўлган. Умуман зилзиладан 458 қишлоқ, 21 минг турар-жой зарар кўрган.

Туркияда эса халқаро меъёрларга атиги 1998 йилдан эътиборан киришилди, ҳолло Бироқ мамлакатнинг шимолий ҳудудларидаги аҳолини ўтган йил сентябрда рўй берган фожиядан бу меъёрлар ҳам барибир асраб қололмади.

Ваҳоланки, ҳар бир қурилиши сейсмолог ва сейсмик иншоотлар қурилиши бўйича мутахассислар билан бамаслаҳат қуришда ёки эскиларини ўша меъёрлар асосида қайта таъмирланганда эди талафотлар сони анча камайган бўларди.

Демак, бу борада республикамизда қилинаётган ишлар қай йўсида олиб борилаётганини барчани қизиқтирса керак. Шунинг учун таъкидлаш жоизки, республикамизда бу борада анча ишлар қилинапти. Бугунги кунда мамлакатнинг сейсмик ҳудудлиги харитаси тузилган ва у амалда. Лекин республиканинг ҳар бир йирик шаҳрига ҳам алоҳида сейсмик микро-ҳудудлиги хариталар тузилиши лозим. Аҳолиси кўп йирик шаҳарлар эса 400 дан зиёд. Шу кунгача 30 та йирик шаҳарнинг сейсмик ҳудудлиги харитаси тузилган ҳолос. Қолганлари эса... Бунинг учун ҳокимлик идоралари билан ЎзРФнинг Сейсмология институтини ўртасида ўзаро шартномалар тузилиши ва унга амал қилиниши лозим. Қурилиш иншоотлари эса шу харитага асосан бунёд этилиши бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Харита ва илмий ишланмаларга асосан қарга қандай сейсмик мустақамликда иншоот қуришни тавсия этиш ва уни амалга ошириш эса ЎзРФнинг Мухаммадҷон Ҳорозов номидаги Механи-

ка ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институтини, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда бошқа бу соҳага мансуб идоралар зиммасида.

«Мустақамлик йилларида республикамизда олиб борилаётган улкан қурилишлар натижасида мамлакат кўриниши кескин ўзгариб, унинг инфраструктураси жалал ривожланиб бормоқда. 94-йиллардан оқибатда иншоотлар қуриши бўйича МДХда бирин-

хулоса чиқариш мумкинки, илмий изланишлар ўз самарасини бермоқда. Фақат илмий ишланмаларни амалга жорий этишда маблағ билан боғлиқ айрим муаммолар юзага келмоқда, бу илмий билан амалиёт ўртасида узиллишлар юз беришига сабаб бўлмоқда».

Лекин барибир зилзилабардошли иншоотлар қурилишида амалий қадимлар қуртук очаётгани қувонарли. Бунинг кеча қабул қилинган «Тошкент шаҳрида халқаро

тунеллари, пидедалар ерости йўллари, метрополитеннинг учинчи тармоғи қурилиши ва бошқа ишларда, қисқаси, шаҳарнинг сейсмик хавфини камайтиришни инноватга олиб шаҳар ҳокимлиги юқоридеги қарорни қабул қилганлиги ўта долзарблиги билан диққатга сазовордир.

Қарорда айтилишича, Тошкент шаҳар Архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси қуриётган уйлар сейсмик мустақамлиги талабларига тўла жавоб беришини таъминлаш мақсадида меъёрлаштирилган лойиҳа талабларини ҳамда улар қурилиши устидан доимий назоратни ташкил этиши, Тошкент шаҳрида хусусий уй-жой қурилишлари учун кредит ажратувчи банкларнинг бошқарувчилари томонидан ҳар бир кредит контрактга кредит олувчи шахс томонидан қурилиш вақтида сейсмик мустақамлиги талабларини тўла бажариши тўғрисида мажбуриятларни киритиш, Тошкент шаҳар факультетида вазиятлар бошқармаси қишида «Мавжуд қуриётган иншоотларнинг сейсмик мустақамлигини таъминлашни назорат қилиш» доимий комиссияси 2000 йилнинг бундан қорайдан ташкил этилиши алоҳида қайд этилган. Энди гап бу каби назарий ишланмаларни амалий қўриқтирилган билан миқлашда қолди.

«Шу ўринда бир муаммони айтиб ўтиш жоиз, — дея сўзиде давом этади Ҳамидулла ака. — Мана мустақамлик шарофати билан хусусий иморатлар тиклаш кенг авж олиб кетди. Аммо ачинарлиси шуки, қурилиш материалларининг танқислиги ва қимматлиги сабаб иморатлар қуришда зилзилабардошли қолида ва меъёрларига жойларда деярли амал қилинмаётди. Бу эса бўлажақ зилзилаларда кўнгилсиз оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кучайтиради ҳолос».

Дарҳақиқат, Ҳамидулла аканинг айтганича бор. Бу борада назоратни кучайтириш фойдалан ҳоли эмас.

Сейсморобдошли уйлар қуриш нафақат республика, балки бутун дунё бўйича долзарблик касб этган.

Ерости силкинишлари тўғрисида олдидан оғоҳлантуручи Венгрия обсерваториясининг етакчи мутахассиси Петер Монушининг айтишича,

улар томонидан ишлаб чиқилган сейсморобдошли қурилишлар кодекси амалда ўзини оқлаган, яъни улар тавсиясига мувофиқ Калифорнияда қурилган бинолар 1998 йилда фожияда деярли шикастанмаган ва аҳоли ўлимининг даражаси ҳам паст бўлган.

Хўш, сейсморобдош қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун асосан нималарга эътибор бериш лозим? Авваламбор қурилиш бўладиган жойнинг сейсмик фаоллигини, замин қатламларини, тупроқ таркибини, унинг зичлигини ўрганиш ва қурилажақ бинонинг мустақам таъин нуқталарини шароитга мослаш зарур. 1985 йил Мехикадаги ер қимирлаши натижасида бутун бошли мавзедоги тайёр блокчи уйларнинг бирортаси ҳам соғ қолмаган эди. Кейин аниқланишича, мавзедоги бу уйлар қадимги кўл ўрнида, яъни кўл табиий шароитда йўқ бўлиб, сўнг ўрни тупроқ билан тўлдирилган омонат заминда қад ростлаган экан. Ваҳоланки, зилзила марказида жойлашган курорт шаҳар — Акапулькога зарар етмаган. Чунки Акапулько шаҳрининг замини қаттиқ жинслардан тузилган бўлса, 20 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи Мехиканинг пойтахти замини бир вақтлар ботқоқлик бўлган эди. Бундан ташқари Туркия «тажрибаси» шундан далолат бериб турибдики, лойиҳа бўйича қурилган уйларнинг нафақат ташқи кўринишларини, балки ички тузилишларини ҳам ўзбошимча ўзгартириш фожия ва талафотлар кўпайишига сабаб бўлади. Негаки, лойиҳа бўйича қурилган уйларнинг нафақат ташқи кўринишларини, балки ички тузилишларини ҳам ўзбошимча ўзгартириш натижасида унинг айрим сейсморобдошлари кучсизланиб қолади. Демак, шунинг қатъий айтиш мумкинки, «дом»да яшовчи хонадон эгалари ўзларича амалга ошираётган ўзгартиришлар бир кун келиб ўз оиласи учун қулфат келтиришини англаб етсалар ахир бўларди. Бундан ташқари унинг сейсморобдошлиги қурилиш материаллари — цемент, гипс ва бетоннинг сифатига ҳам боғлиқ. Туркия ва Тайбейда талафот кўрган биноларнинг лойиҳа ва қурилишида қатнашган юзлаб раҳбар ва қурувчилар бугунги кунда қамқоқоналарда ётибди ёки махсус органларда сўроқ беришмоқда. Уларнинг айби шуки, бинокорликда қурилиш материалларини, айниқса, цемент, бетонни ва гипсдан эса тупроқни иқтисод қилиб қолдиришган.

Ленинакандаги зилзила оқибатларини ўрганишга борган республикамиз ва Американинг бир гуруҳ экспертлари у ерда қурилиш материалларида жиддий камчиликлар борлигини

аниқлагандилар, яъни бетон конструкцияларнинг деталлари бўлишлар борлиги, бу эса гипстоллик элементлари керакли равишда бирикмаганлиги олиб келган. Аслида барча ишлар лойиҳада кўрсатилганидек, меъёрий ҳолда бўлиши керак эди. Демак, бу борада буюртмачи, лойиҳачи, қурувчи ва бошқа мутахассислар жавобгарлигини кучайтириш мавриди келди.

Қисқаси, «қиссадан ҳисса» деганларидек, хулоса шуки, олимларимиз ҳали ерости силкинишларини олдидан аниқ айтиб бериш қудратига эга эмас экан, тўғрисида, бу борада мушкулликлар бор экан, демак, ҳозирча қар ким бу офатдан ўзини ўзи асраши даркор. Бунинг учун нима қилиш керак? «Японлардан ўрганиш керак, — дейди академик Турсунбой Рашидов. — Негаки, улар зилзила хавфи бор деган «халқим» доимо ёлда сақлайди, яъни мабодо, зилзила бўлиб қолса нима қилиш кераклигини яхши билдириш ва фарзандаларини ҳам шу йўлда тарбиялайди. Демак, биз ҳам зилзила вақтида ва ундан сўнг нима қилиш кераклиги борасида болаларимизга мактабдан тарбия бермоғимиз лозим ва шунинг қўшимча дарс сифатида мактаб дастурига киритиш масаласини кўтариш керак. Бундан ташқари талабалар, умуман одамлар орасида тарбият ишларини йўлга қўйиш, рисодалар, китоблар чоп этиш мумкин».

Ҳа, бу борада академикнинг гапига қўшилиши илож йўқ. Чиндан ҳам фақуллода вазиятларда шахс ўзини қандай тутиши, нималар қилиши лозимлигини ўргатувчи мактаб дарслари ташкил этиш айна мудио. Бунга республика Халқ таълими эътибор берса қанийди. Умуман олганда ҳар қандай шароитдан қутулиб кетиш авваламбор инсоннинг ўзига боғлиқ.

Шунинг учун мабодо, ер қимирлаб қолса нима қилиш кераклигини борасида ўз мутахассисларимиз тавсия этган бир-иккита шахсий хавфсизлик чораларини эслаб ўтиш лозим тоғдик: ер қимирлаши билан уйдан ташқарига отилиш, йиқилаётган бетон ёки гипслар босиб қолиши мумкин. Шунинг учун энг бундан аввал оқибатда — мустақам стол остига беркинши, ёки унинг таянч бурчагига туриб олишдан ҳеч ҳижолат чекманг. Қачонки зилзила тўхта са ташқарида чиққин, шунда унинг ўзининг йўқотиб қўймай, газ ва электр тармоқларини ўчирган ҳолда.

«Радис» лойиҳаси бўйича олиб бориладиган ишлар якуни ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг қароридан ҳам билса бўлади.

Гап шундаки, Тошкент шаҳрининг юқори сейсмик ҳудудда жойлашганлиги, сейсмик мустақам қурилиш бўйича тадқиқотлар ва зилзиладан кейинги тиклаш ишларида мавжуд бўлиб таъжираниб инноватга олиб БМТнинг IDNDR Котибияти дунёнинг 9 шаҳарлари қаторида Тошкент шаҳрига ҳам «Радис» лойиҳасини бажариш учун 50000 АҚШ доллари миқдориде грант тариқасида маблағ ажратган.

«Радис» лойиҳаси бўйича олиб бориладиган ишлар шундан далолат беримоқдаки, кучли зилзила вақтидаги хавф ва талафотларни камайтириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар ва муаммолар борлигини юзага чиқарди. Сўнги 5-6 йил мобайнида қурилган ўнлаб магистрал йўллар, транспорт



Бир йилда неча сантиметр ҳаракатланиши ва йўналиши кўрсатилган


чилардан бўлиб меъёрлар ишлаб чиқишида институтнинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳамидулла Сағдиев. — Ва шу меъёрлар бўйича давлат буюртмасида илк қадимлар ташланди. Бунга кўп қатламли эластамир таянчли бинолар қуришганини мисол қилиш мумкин. Шулардан бири 1997 йили қурилиши бошланган 1998 йилда биноқуриш ва 1999 йили таъриҳасини бажариш учун 50000 АҚШ доллари миқдориде грант тариқасида маблағ ажратган.

«Радис» лойиҳаси бўйича олиб бориладиган ишлар шундан далолат беримоқдаки, кучли зилзила вақтидаги хавф ва талафотларни камайтириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар ва муаммолар борлигини юзага чиқарди. Сўнги 5-6 йил мобайнида қурилган ўнлаб магистрал йўллар, транспорт

ТАРИХ — ҚОЗИ

МУАЛЛИМ ИЛА МУҲАРРИР МИЛЛАТНИНГ ИККИ ҚЎЛИДУР

Азиз муштарий! Сиз сувагини кўриб турган бу мушфиқ инсон — оғойи Сайид Ризо Ализода 1917-1920 йиллар давомида ўзбек ва тожик мактаблари учун «Алифбе» китоблари ёзиб, ўз ҳисобидан чоп эттирган ва мактабларга бепул тарқатган қомусий олим ва маърифат дарғасидир. Мазкур «Алифбе» китобларининг ҳар иккала нусхаси муаллифнинг невараси Фарҳод Тоғиевич Ализода хонадонидида сақланади. Сайид Ризо Ализода...



длийклдан мураккаблик сари бориш тамойилига қатъий амал қилиб, уни қуйидагича изоҳлайди: «Ушбу биринчи йил китобимиз Туркистон ибтидойи мактабларининг биринчи синф шогирдлари учун тартиб берилиб, икки ҳиссага бўлингондур. Биринчи ҳиссада «Алифбе» ҳарфлари усуси сауд тадриж ила кўрсатилиб, қисқа-қисқа жумлалар ва турли-туман таркиблар ёзилгондур. Иккинчи ҳиссада эса болаларнинг зехнига муносиб, кичик-кичик ҳикоялар, содда ва очик шерлар, бир оз муҳим сарф грамматика (-С.Х.) қоидалари дарж этилгондур. Китобнинг ҳар икки ҳиссада болалар зехнини ташвишга солмаслик учун арабий ва форсий таркиблардан тўлиқ ва қоришиқ жумлалардан мумкин қалар парҳез қилинган. Расм хатида калималарнинг бир-бировидан айри ёзмоққа ва ҳар бир нуқтани ўз ерида, ўз ҳарфини устида ёки остида ёзмоққа диққат этилгандир. Сайид Ризо Ализода китоби «Алифбе» китоби ҳарф-товуш усулида ёзилган бўлиб, муаллиф дастлаб ҳарфларни беради ва уларга мос матнларни илова қилади. Шўро...

ҳокимиятининг дастлабки йиллари яратилган ушбу ўзбек «Алифбе»си ҳақида гапирганда унинг икки жиҳатини алоҳида таъкидлаш зарур: 1. «Алифбе» — педагогик асар; 2. «Алифбе» — адабий асар. Мазкур «Алифбе» китоби адабий асар сифатида 27 та ҳикояни ўз ичига олади. Улардан учтаси шерий, қолганлари насрий баънда битилган. Ҳикояларни мазмун-моҳиятига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин. 1. Фольклор, шарқ ва ўзбек классик адабиёти намуналаридан бевосита фойдаланилган ҳолда ёзилган ҳикоялар «Луқмону Ҳаким», «Ҳимматлик гадо», «Мағрур роз», «Очқўзлик», «Уғри», «Савдогарнинг узуги», «Бировнинг хатига қарама», «Саводлик ва саводсиз» калбилар; 2. Рус мумтоз адабиётидан қилинган таржималар «Очқўз ит», «Бўри ила турналар», «Бўри ила чўпонлар», «Талбиркор қарга» калбилар; 3. Муаллифнинг ўзи яратган ҳикоя ва матнлар «Худон таоло», «Тоға ила жиян», «Мурод ила Турсун», «Уй ҳайвонлари», «Етим бола», «Шариф ва онаси», «Дехқон...

ила ошнаси», «Дарахлар», «Сувлар», «Уй қушлари», «Мактублар», «Мулла Насриддиннинг кўрпаси» калбилар. «Алифбе» китобидаги шерий ва насрий ҳикояларнинг бир қанчаси Сайид Ризо Ализода томонидан яратилган бўлиб, уларда таълим-тарбия масалалари ёритилган. Муаллиф бу ўринда халқ мақол ва маталларидан унумли фойдаланади. «Алифбе» китобидаги «Мен қиламан тўққиз, тангирим қилади ўттиз», «Қатра-қатра жам бўлиб, дарё бўлур», «Сабр қилсанг гўрадан ҳолва пишар», «Ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмас», «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада егин», «Неъматда ҳозир, хизматда маззур» каби мақол-маталлар билан биргаликда Сайид Ризо Ализода томонидан яратилган «Бир қўлда икки тарбўз турмас», «Ихлос ила халос бўлурсан», «Авалл эҳтиёт, сўнгра таваккал», «Муаллим ила муҳаррир миллатнинг икки қўлидир» ҳикоятлари ҳам ўрин олган. «Алифбе» китоби педагогик асар сифатида кўп жиҳатлардан эътиборлидир. Хусусан, ундаги ҳар бир сатрда таълим ва тарбия ягона жараён сифатида ўзини намойён қилади. Муаллиф «Ёмон одамдан ҳамма қочур», «Галойга озор бермоқ яхши эмас», «Аҳмоқнинг суҳбатидан қочил», «Ул тилаган, тиканини ҳам тилар», «Нон ила сув барча зарурдир», «Умрингни абас ўтказма» каби қисқа сатрларда илми одоб ҳақида фикр юритади, ўқувчиларни одобли бўлишга даъват этади. Сайид Ризо Ализода китоби педагогик қомусийлик характериға эга. Чунончи, муаллиф ўқувчиларнинг саводини чиқариш жараёнида уларга турли соҳаларга оид билимларни ҳам бериб боради. Масалан, «Бир...

5-САҲИФА «ИНКУБАТОР АЁЛ» Кўҳна шаҳарда бир аёл яшайди. Еб-ичишдан ҳеч ҳам камий йўқ. Уйли-жойли, офатижон ва кўҳликкина. Дугоналари ва танишлари уни «инкубатор аёл», дея аташади. Бониси, фарзанд доғида, тирноққа зор бўлиб юрган оилаларга у бир олам қувонч ва шодлик улашади. Аёл оила билан келишиб тинчгина эр билан никоҳдан ўтади. Қарабсизки, узоқ вақт ўтмай ўғил ёки қиз ёру дунё юзини кўради... — Бундай «топилган» фарзандлар соғ-саломат ўсиб-улгаймоқда. Аёл эса «касби»ни давом эттирмоқда, — дейди танишим. Луғфулла МАМАСОЛИЕВ БОЛАЛАР МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ Қорақалпоғистонда «ер камлигидан» республика пойтахти Нукусда тор кўчалар бўйлаб баланд-баланд идоралар кетма-кет «қад ростламоқда». Қурилиш «илдам-лигидан» катталар дам оладиган жойлар қолмади. Болалар ўйнайдиган майдончалар унутилган. Аммо, яқинда кутилмаганда бу муаммо ечимини топди. 22-кичик туманда 30 та хонадоннинг иссиқ суви далага оқизилмоқда. Энди болалар қувончи чексиз, негаки сув музлагач, улар ўша ерда чана учиб юришибди. А. ИБОДУЛЛАЕВ

Ўзбек миллий курашнинг таърифи таъсифи китоблар оша таралмоқда. Мамлакатимизда эса спортнинг бу тури билан кексаю ёш мугулланайтганлиги қунончидир. Утган ҳафта Тошкентда «Жар» спорт комплексида ўзбек кураши бўйича бўлиб ўтган турнир фикрмизининг далайдир. Турнирда спортчилар оқсоқоллари иштирок этишди. Ахир кураш майдонига чиққан оқсоқолларнинг энг катта ёшлиси саксонни қоралаб қолган. Ушбу турнир томошаларда яхши таассурот қолдирди. Мусобақа ғолиблари Ўзбекистон Кураш федерациясининг фахрий брликлари ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Суратда: Мусобақа ғолиблари. Алишер РИҚИЕВ (ЎЗА) олган сурат

БОШ МУҲАРРИР Азим СУҲОН ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Абдулла ОРНОВ Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ Азиз НОСИРОВ Қозоқбой ЙҮДДОШЕВ Ислам ШОҒУЛОМОВ Нуроббо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи уринбосари) Алимжол СУЛТОНОВ (бош муҳаррир уринбосари) Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир уринбосари) Бахтиёр ҲАМИДОВ (масвул котиб — «Ўзбекистон овози») Валерий ЛАБАРШНИХ (масвул котиб — «Голос Ўзбекистана») МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БЎЛИМЛАР: Сўбат — 133-20-36 Иқтисодиёт — 133-76-04 Маънавият — 133-07-20 Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16 Ахборот — 133-12-56 Котибият — 133-21-43 Факс — 133-47-80, 133-88-55, 133-73-43, 133-06-83 ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Андижонда — 25-16-16; Бухорода — 23-51-40; Гулистонда — 25-16-22; Жиззахда — 3-29-44; Навоийда — 3-39-20; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 222-70-12; Самарқандда — 35-20-54; Тошкентда — 136-12-56; Урганчда — 226-51-35; Фарғонада — 26-46-84; Қаршида — 4-61-35; Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-УЙ. НАВАТЧИ Қўшқор НОРҚОБИЛ Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. САҲИФАЛОВЧИ-ДАСТУРЧИ Бахтиёр ЖУМАНОВ «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Рўйхатлан Утун тартиби № 00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. «Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. Г — 092 Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6 СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ИБРАТЛИ ҲИКОЯЛАР Ҳимматлик гадои Ог кўз ити Бир гадои ҳар кун шаҳарга чиқиб, кўчаларни кезиб пул сўра эди. Тўплаган пулларини оқшом навосиз одамларга берур эди. Биров ундан бунинг сабабини сўради. Гадо ришқад қилиб шундай деди: Мен қароғ ҳукмидамен, Ўзгаларқ ўзимни ёндоурамен, Ўз наъфига ҳар киши югурур, Ўзга наъфига эр киши югурур.

ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки муассасалари томонидан республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва фуқароларимизга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Банкимиз кўрсатаётган хизматларнинг мақсади, аввало мижозларнинг манфаатларини кўзлаб, уларга қўшимча қулайликлар яратишга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг ҳисоб-китоб чеклари билан амалга оширилаётган муомалалар банк кўрсатаётган хизматларнинг катта салмоғини ташкил этмоқда. Азиз юртдошлар! Халқ банкининг ҳисоб-китоб чеклари республикамизнинг исталган ҳудудидаги савдо тармоқларида тўловга қабул қилиниши билан мижозларимизга қимматли вақтларини тежашга, катта миқдордаги пул маблағларини ҳимолашга ҳамда савдо тармоқларидан исталган буюм ва товарларни харид қилишда бир қатор қулайлик ва афзалликларга шароит яратмоқда. Халқ банки яратган қўшимча қулайликлар ва хизматлардан фойдаланинг. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 173-89-36, 173-86-80

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, маданият, ҳуқуқ муассасалари, савдо ташкилотлари ва фирмалари раҳбарлари, шунингдек, барча юридик ҳамда жисмоний шахслар диққатига! «ИШОНЧ-М» очик турдаги акциядорлик жамияти (собиқ «Ўзбеккинодеталь» заводи) ўзининг ва буюртмачининг хонасидадан қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб беради ва сотади: — креслолар — томошахоналар, мажлис, йиғилиш заллари учун — стуллар (темир оёқли) — ошхоналар, синф ва хоналар учун — айланма креслолар — раҳбарлар ва ходимлар учун, сартарошхона учун — банкеткалар — фойе, вестибюль ва жамоа учун — кушеткалар — тиббиёт идоралари учун ҳамда ҳордиқ учун — ўқув парталари — болалар краватлари — истироҳат боғлари учун ўриндиқлар — офис мебеллари ва томошахоналар креслоларини таъмирлаш — буюртмага асосан ёғочдан ҳар хил рейкалар — ишлаб чиқариш учун штамплаш ва пайвандлаш ишларини бажариш — темир эшиклар, ҳар хил панжаралар — автомашина ўриндиқлари учун чехоллар — француз пардалари, портьерлар, ломбрикенлари ва бошқа тикув маҳсулотлари 2000 йилда сиз билан ишлашга ва ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, 700100, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 35-уй, Телефонлар: 55-88-57, 55-99-01, 54-08-98 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўзэкспомарказ» РСМН жамоаси мазкур марказнинг етакчи мутахассиси Нигора Одиловага волидан муктарамаси Лаълихон ая ЭШБОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАБИАТ МУҲОҒАЗАСИГА БАҒИШЛАБ Аср сўнггидаги инсоният олдидаги энг долзарб муаммолардан бири табиат муҳоғазаси масаласидир. Тирикларнинг, мавжудотнинг тақдирини, қисмати унинг атроф-муҳитта нисбатан бўлаётган муносабатига боғлиқ. Ҳўш, ҳозир экологияга кўпроқ нималар салбий таъсир кўрсатаётди? Нефть, газ, кўмир саноати, химиявий чиқиндилар, зарарли ва захарли моддалар... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Дунё олимлари, соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик табиат муҳоғазаси муаммосини ечиш йўлларини изламоқдалар. Тошкентда бўлиб ўтган анжуман ҳам ана шу муаммога бағишланганлиги билан эътиборга лойиқ. «Чиқиндилар регистрини тузиш ва ифлослантирувчи моддаларни кўчириш» мавзuidaги семинар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳоғазаси қилиш давлат қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳитни муҳоғазаси қилиш дастури ЮНЕП ва Россия Федерацияси халқаро лойиҳалар бўйича маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда қатор хорж давлатларнинг вакиллари, корхона ва ташкилотларнинг шу соҳага дахлдор мутахассислари, олимлар иштирок этиди. Семинар қатнашчилари атроф-муҳитни муҳоғазаси қилиш, экологияни яхшилаш бўйича кенгашиб, олдинда турган вазифалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Табиат муҳоғазаси — барчаннинг иши. Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, муаммо ечимига кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишда журналистлар роли каттадир. Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси, Тошкент шаҳар «Киновидео» акционерлик бирлашмаси раиси Турғун Умарович Хидировга волидан муктарамаси Зайнаббиди ХИДИРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирадилар. «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, юнорезисёр Қамар Шодмоновна Камоловага падари буюрғувори Шодмон ота КАМОЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирадилар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидига тил ва адабиёт институти жамоаси академик Шоназар Шобураҳмонов ва филология фанлари доктори Масуд Содиқовага қизлари КАМОЛАННИНГ бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидига тил ва адабиёт институти жамоаси кадрлар бўлими катта нозир Дилором Раҳматуллаевага акаси АБДУРАҲМОН ҒАФФОРОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.